

"Марказий Осиё – Хитой – 2025" медиафоруми:

АНЖУМАН ЯНГИ ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

(Бошланиши 1-бетда).



"Медиа форум аввалида "Ривожланиш уйғунлиги, "Жэньминьван" сайтини биргаликда тараққий эттириш" мавзuida видеоролик намойиш этилди. Сўнгра Қозғоғистон Республикаси Президентининг Ички сиёсат ва коммуникация бўйича ёрдамчиси Арман Қирикбаев давлат раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевнинг анжуман иштирокчиларига табригини ўқиб эшиттирди. "Бугун дунёда катта ўзгаришлар рўй бермоқда, турли маданиятлар ва жамиятлар ўртасидаги олтин кўприк ҳисобланган журналистларнинг роли ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Баркамол ва жиддий ахборот сиёсати бирлигимизни мустаҳкамлайди, барқарор тараққийимизга хизмат қилади. Замоновий даврда оммавий ахборот воситалари тинчлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва тотувлиқни таъминлашда гоёта муҳим воситага айланди. Бу борада Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг "Бир макон, бир йўл" ташаббуси катта аҳамиятга эга. Ноёб лойиҳа жаҳон ҳамжамияти томонидан глобал ҳамкорлик концепцияси сифатида юксак баҳоланмоқда", дейилади Президент табригида. Сўнгра Хитой Халқ Респуб-

касининг Қозғоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Хань Чуньлинь, Хитой Коммунистик партияси марказий қўмитаси тарғибот бўлими мудири ўринбосари Ху Хэпин, Қозғоғистон Республикаси Президенти телерадиокомплекс бош директори Раушан Касибаева, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг "Дунё" ахборот агентлиги бош директори Фахриддин Парпиев, Қирғизистон Республикаси "Кабар" миллий ахборот агентлиги бош директори Медёрбек Шерметалиев ва бошқалар сўзга чиқиб, муҳим сиёсий жараён иштирокчиларини қўтладилар.

"Жэньминь жибао" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Фан Цзяншань глобал тараққийёт ташаббусларининг бош мақсадига эришиш учун Марказий Осиё ва Хитой давлатларининг ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш, умумий ҳафсизлик ва тарихий дўстлик асосидаги ҳамкорлиги бўйича маъруза қилди.

Фан Цзяншань "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси иштирокчи давлатлар саъй-ҳаракати билан кенг миқёсли стратегияга айлангани, уни амалга ошириш мамлакатлар ва халқлар ўртасида тинчлик, фарвонлик, тараққийёт, ҳамкорлик ва дўстликни ривожлантиришга омил бўлувчи ягона маконни шакллантиришга катта ҳисса қўшишини таъкидлади. Ушбу лойиҳанинг ўтган 12 йиллик муваффақиятли фаолияти жаҳон миқёсида этироф этилаётгани ҳақида тўхталар экан, бир қатор ижобий натижаларни мисол тариқасида тилга олиб ўтди.

– Буюк Ипак йўли ҳамкор давлатлар ОАВни бирлаштирмоқда. Биз Марказий Осиё ва Хитой умумий тақдирига қаратилган янада мустаҳкам жамият сари дадил қадам ташламоқдамиз, – деди у. – Бугунги кунда "Жэньминь жибао" газетаси ташаббускори бўлган ахборот тармоғи "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси доирасидаги муҳим маконга айланди. Бу тармоқда 114 мамлакатнинг 292 та, шу жумла-

дан, Марказий Осиё давлатларининг 29 та ОАВ иштирок этмоқда. Бироқ дунё ўзгармоқда, технологик имкониятлар кенгайитти, сунъий интеллектнинг воқеликка таъсири кучаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, ахборот хуружини кўлайтирмоқда. Шундай шароитда ҳамкор давлатлар ахборот агентликлари, телевидение, газета ва радио замонавий технология ютуқларидан фаол фойдаланиши, соҳадаги изчил шериклиқни янада ривожлантириб, тўғри ва холис хабар тарқатишда етакчи медиа майдонига айланиши керак. Бу борада умумий саъй-ҳаракатларимизни янада бирлаштириш, давлатларимиз раҳбарлари ўртасида шаклланган, ўзаро ишонч, яқин қўшничилик ва азалий дўстликка асосланган муносабатлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Медиафорумда Хитой ва Марказий Осиё давлатлари соҳа ходимлари, ноширлар, экспертлар, ахборот ва туризм агентликлари, олий таълим муассасалари, таҳлил марказлари вакиллари иштирокида мулоқот, давра суҳбати, тақдирот, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди, жаҳон оммавий ахборот воситалари олдида турган энг муҳим вазифалар юзасидан фикрлар алмашилди. "Жэньминь жибао" газетаси фаолиятига доир фотоқўргазма, "Ипак йўли садоси" номи видеофильм намойиш қилинди.

– Анжуман умумий тақдир ҳамжамиятини яратиб, Марказий Осиё ва Хитой давлатлари оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, глобал муаммолар шариотида соҳа ходимлари учун янги ташаббуслар майдонини бўлиди, – дейди "Янги Фарғона" газетаси бош муҳаррири Шохид Аслонов.

Шунингдек, медиафорум доирасида Остона ва Олмаота шаҳарларидаги йирик компаниялар, агентликлар, олий таълим муассасаси, туризм масканларига пресс-тур ташкил этилди.

Рустам ОРИПОВ.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРАҚҚИЁТИ

Айни масалалар мамлакатимизда янги босқичга кўтарилди. Жумладан, Фарғона давлат университетида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, шунингдек, соҳага оид давлат дастурларида белгилаб берилган вазифалар асосида ташкил этилган. Айни пайтда университетда профессор-ўқитувчилар ва талабаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилган. Масалан, 2021 йилда илмий даражага эга бўлган 154 нафар профессор-ўқитувчиларга 15 миллиард 919 миллион сўм, 2024 йилда эса илмий даражага эга бўлган 323 нафар профессор-ўқитувчиларга 40 миллиард 570 миллион сўм устама ҳақлар тўланди. Шунингдек, 2021 йилда Талабаларни моддий рағбатлантириш мажсу-с жамғармаси ҳисобидан ёшларга 2 миллиард 549 миллион сўм, 2024 йилда эса 5 миллиард 220 миллион сўм моддий ёрдам ва мукофотлар тўланди.

Сўнгги йилларда университет моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Эски ўқув бинолари ва талабалар турар жойлари қайта таъмирланди ва янгилари қад ростлади. Ушбу иншоотлар моддий-техник ва ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Ўқув биноларидаги лабораториялар энг сўнгги русмдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ўз ўрнида, Фарғона давлат университетида таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари сони ортиб, қабул квоталари ҳажми ҳам ўсиб бормоқда.

Университетимизда халқаро ҳамкорлик доирасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда халқаро ҳамкорлик алоқалари Хитой, Франция, Германия, Испания, Туркия, Миср, Россия ва МДҲ давлатларининг етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан йўлга қўйилган. Ҳамкорлик борасида йўналишлар ва мутахассисликлар хусусиятидан келиб чиқиб, хорижий нуфузли олий таълим муассасалари, илмий марказлар билан меморандумлар имзоланиб, илм-фан доирасида биргаликда бажариладиган ишлар келишиб олинмоқда ва уларнинг ихроси изчил амалга оширилмоқда. Масалан, Фарғона давлат университети "Ўзбекистон – Хитой археология қўшма кафедраси" профессор-ўқитувчилари Хитой Халқ Республикасининг олимлари билан ҳамкорликда меморандум

доирасида фаолият олиб бормоқдалар. Жумладан, Хитойнинг Шанси археологик тадқиқотлар институти мутахассис олимлари иштирокида Фарғона – Шанси археологик тадқиқотлар маркази археологик топилмаларни реставрация қилиш лабораторияси, 1400 йил аввал Марказий Осиё, жумладан, қадимги Сўғд ҳудудидан Хитойга кўчиб бориб, савдо ишлари билан шуғулланган, давлат бошқарувига таъсир кўрсатган Ю Хонг тўғрисидаги 30 дан ортиқ хитойча услубда ишланган 3D форматдаги суратлар мавжуд "Ю Хонг кўргазма зали", Лоянг – Фарғона археологик тадқиқотлар маркази фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, Фарғона давлат университети томонидан Қувдағи "Шахристон Қўбоси" археология ёдгорлигида қазимиша ишларини олиб бориш ҳамда ҳудудни очки осмон остидаги музейга айлантириш бўйича Хитой Халқ Республикасидан малакали экспертлар тақлиф қилинди. Унга мувофиқ, ўтган ойда Шанси провинцияси археология институтининг илмий ходимлари Фан Венқян, Зхао Зхиминг, Лиу Ян ва Баи Шуэханг Фарғона давлат университети-га ташриф буюрди. Ташриф доирасида ҳамкорларимиз Қува шаҳар археологик ёдгорликлари билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, яқинда ҳам Хитойнинг Хенан провинцияси Лоян шаҳар археологик тадқиқотлар институти ходимлари – директор ўринбосари Лю Бин, тадқиқотчилар Фан Дун, Хао Жунтао, Ли Чонг ва яна беш нафар жамоа аъзолари Фарғона давлат университети-га ташриф буюришди. Улар 15 майдан бошлаб "Ўзбекистон – Хитой археология қўшма кафедраси" профессор-ўқитувчилари, археология мутахассислиги магистрантлари, таълим йўналиши талабалари билан биргаликда "Шахристон Қўбоси" археология ёдгорлигида текширув ва қазилма ишларини олиб бормоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда университетда илмий салоҳиятни, талабаларнинг сифатли билим олишлари учун шароитларни яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш борисида жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси Фарғона давлат университети жамоасининг ёш авлод келажаги, яъни Учинчи Ренессансга ҳисса қўшиш йўлидаги самарали меҳнати натижасидир.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар



Бугунги кунда вилоятимиздаги мавжуд 1062 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 45 таси ўз "бошпана"сига эга эмас. Улар ижарадаги биноларда ёки бошқа муассасаларнинг бўш хоналарида фаолият юритиб келаяпти.

Худудлар кесимида таҳлил қилинганда, вақтинчалик жойда фаолият юритаётган маҳаллаларнинг аксарият қисми Фарғона тумани ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жорий йил бошида туманда 13 та маҳалла фуқаролар йиғини ўз биносига эга эмасди. Яқинда давлат ҳисобидида 2 та бинонинг маҳалла ихтиёрига ўтказилиши натижасида ҳиссиз маҳаллалар сони бироз камайди.

Тумандаги "Мозортаги" маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари неча йилларки, тадбиркорга тегишли бўлган бинонинг икки хонасида фаолият юритиб келишмоқда. Йиғини раисининг айтишича, ўз балансида бинонинг йўқлиги фақат иш унумини эмас, балки аҳоли билан ишлаш сифатида ҳам таъсир кўрсатади. У фуқаролар билан қабул ўтказиш ёки йиғилишлар ташкил этиш учун фаоллар зали керак бўлганда, қайсидир ташкилот раҳбарига илтимос қилиши керак бўлмоқда.

– Маҳалла фуқаролар йиғини ва "еттилик" учун алоҳида хона бўлиши замон талаби. Кенг, ёрқин, шинам хона ва шароитларда ким ҳам ишлашни истамайди дейсиз, – дейди "Мозортаги" МФЙ раиси Дилобар Исматова.

Маҳаллангиз биноси БОРМИ?

■ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ – ДАВЛАТ ВА АҲОЛИ ЎРТАСИДАГИ КўПРИК, БИР СўЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БўИНИ Ҳисобланади. МАҲАЛЛАНИНГ ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАСКАНГА АЙЛАНИШИ УЧУН БУ ТУЗИЛМАНING ДОИМИЙ ИШ ЖОИИ, МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА БўЛИШИ КЕРАК.

– Шукурки, жорий йилнинг бошида икки қаватли замоновий маҳалла биносини қад ростлаши учун туман марказидан уч сотих ер ажратилди. Шу кўнларда қурилиш ишлари бошланади. Биринчи қаватда ҳар бир ходим учун алоҳида хизмат хонаси бўлади. Қолаверса, кичик зал, кутубхона ташкил этиш ниятидамиз.

Тумандаги "Марғилон" маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳам биноси йўқлиги сабаб, "Ферғана Осеана" масъулияти чекланган жамиятига қарашли пахта пункти балансидаги бинода фаолият олиб боради. Ёшлар етакчиси томонидан ташкил этилаётган тадбирлар ўқув муассасаларида, фаоллар йиғилиши кимнингдир хонадонда ўтказилапти. Хўжатарлар учун махсус архив, қабуллар, йиғилишлар,

маслаҳатлар учун мулоқот хонаси етишмайди. Икки хонада уч-тўрт ходимнинг ишлаши маълум миқдорда қийинчилик туғдираётган бўлса-да, йиғин жамоаси ва "еттилик" хизмат вазифаларини бажаришда бор имкониятлардан фойдаланяпти.

– Мамлакат миқёсидаги息лохотлар маҳалла ҳаётида акс этасигана, унинг натижаси ҳар оила, ҳар бир фуқарода намоён бўлади. Бугунги кунда息лохот ва янгилаштиларнинг маҳалладан бошланишидан қўзланган мақсад ҳам шу аслида. Вилоят ҳокими топишриғига кўра, давлат-хусусий шериклиги асосида туманимиз марказида уч қаватли маҳалла биноси қад ростляпти, – дейди МФЙ раиси Абдоржон Пулатов. – Тизимда ишлайдиган ходимлар, мурожаат этувчи

фуқаролар учун шарт-шароит яратилиши, замоновий қулайликларга эга бинолар зарур жиҳозлар билан таъминланиши, ўз навбатида, жамиятнинг биринчи бўғини ҳисобланган маҳаллаларнинг нуфузини оширишга хизмат қилади.

"Юқсалиш" маҳалла фуқаролар йиғини вақтинча фаолият юритиб келаётган туман ободонлаштириш бошқармасига қарашли бино маҳалла балансида ўтказилди. Шунингдек, собиқ "Маҳалла" хайрия жамоат фонди балансидаги бинонинг бир қисми вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ, "Янги аср" маҳалла фуқаролар йиғини ихтиёрига берилди.

– Туманимизда йил якунигача барча маҳаллалар ўз биносига эга бўлади. Ҳозирда маҳаллий бюджет ҳисобидан ҳамда давлат-хусусий шериклиги ва ҳоимийлик асосида "Марғилон", "Барқарор ҳамжиҳатлик", "Гулистон", "Обод", "Қораянток", "Машъал", "Мозортаги", "Шифокор", "Оқ олтин", "Майдон", "Қўрғонтепа" маҳалла фуқаролар йиғинлари учун ер ажратилди. Бинолар шу йилда фойдаланишга топширилади, – дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона тумани бўлими бошлиғи Диёржон Ҳомидов.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон маҳаллалари

уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспектори учун қулай ва ихчам биналарни ўзида мўжассам қилувчи маҳалла идораларининг намунавий биноси лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Фарғона вилояти бошқармаси ходими Абзизбек Турдиматовнинг сўзларига қараганда, мазкур қарор асосида вилоятдаги биносиз маҳаллаларнинг тўлиқ рўйхати шакллантирилди. Қайси бирига янги бино қуриш керак, қайси учун бўш турган давлат иншоотини ажратиш мумкинлиги бўйича аниқ режа тузилди. Унга мувофиқ, йил якунига қадар 7 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилади, 20 таси давлат-хусусий шериклиги асосида қад ростлайди, 12 таси ҳоимийлик ҳисобидан ва 6 таси "ташаббусли бюджет" орқали қурилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида, келгуси йилдан ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида "еттилик"нинг бир жойда, тизимли фаолият юритишига имконият яратилади.

Дарвоқе, маҳаллалар инфратузилмасининг мустаҳкамланиши, ўз навбатида, ёшлар бандлиги, хотин-қизлар фаоллиги, профилактика ишларининг самардорлиги, турли ижтимоий лойиҳаларнинг ҳаёгга татбиқ этилишига пойдевор бўлади.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Оғриқларимиз

ОНА ҲАМ,
БОЛА ҲАМ
БЕВАҚТ
ЎЛМАСДИ,
АГАР...



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЧОРАГИДА ВИЛОЯТИМИЗДА ОНАЛАР ЎЛИМИ 3 ТА ВА БИР ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР ЎЛИМИ 140 ТА ҚАЙД ЭТИЛДИ. БИРЛАМЧИ БЎГИНДА КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, УЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРЛАРИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛГАНИ, БУ ЙЎНАЛИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББий ЁРДАМ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА ОНАЛАР ЎЛИМИ УТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 2 ТАГА, БОЛАЛАР ЎЛИМИ ЭСА 36 ТАГА КАМАЙДИ.

Фаргона вилоятида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижроси муҳомадасига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбаева вилоятда рўй бераётган оналар ва гўдаклар ўлими борасида ҳам танқидий фикрларни билдириб ўтди. Маълумотга кўра, 2024 йилда вилоятда 14 та оналар ўлими қайд этилган.

Ўртбошимиз ҳар гал оналар ва гўдаклар ўлимининг олдини олиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтар экан, "Ҳар бир она ва бола ўлими "фавқулодда ҳолат" деб баҳоланади ва сўров шунга яраша бўлади", дея мутасадди идораларни огоҳлантиради. Шундан келиб чиқиб, вилоятда рўй берган оналар ва болалар ўлими ҳолатларида масъул шахслар "сувдан қуруқ чиқмаган" албатта, лавозимидан озод этилган ёки интизомий, маъмурий чора қўлланилган.

Шундай оилалар ҳам борки, келинчақнинг ҳомиладорлик даврида соғлиғига бефарқ бўлинади. Аслида, гўдакларнинг нуқсон билан туғилишида, онанинг бевақт вафот этишида унинг организмида "бош кўтарган" қатор касалликлар туради. Ҳомиладорликнинг дастлабки даврида ҳасталик аниқлансада, эътиборсизлик асорати ёмон оқибатларга олиб келади, дейди тиббиёт фахрийси Салимаҳон она

Ёрматова.

Ҳаёт ва касб тажрибасига эга онахоннинг фикрларида ҳақиқат мўжасам. Афсуски, айрим қайноналар ёки ҳомиладор аёлнинг турмуш ўртоғи беморнинг касалхонага ётиб даволаниши зарур бўлган ҳолатларда берилган йўлланмани бир четда суриб қўяди, "Шифокорлар ваҳима қилишаверади, биз ҳам 5-6 болани туққанмиз" дегувчилар ҳозир ҳам талайгина.

Ўртимизда она ва бола саломатлигини асраш, ирсий ва туғма касалликларни барвақт аниқлаш, болаликдан ногиронликни камайтириш скрининг хизмати орқали амалга оширилмоқда. Перинатал, яъни туғруқчада скрининг текширувлари самарадорлигини ошириш ҳамда ҳомиладорнинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар ва ирсий (хромосом) касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёллар уч босқичдан иборат бўлган перинатал скрининг текширувларидан ўтказилади. Бундай текширувлар вилоятимизнинг 19 та шаҳар-туманлари марказий кўп тармоқли поликлиникаларида амалга оширилади.

Биринчи босқичдаги туғруқчада скрининг текширувларида барча ҳомиладор аёллар оммавий ультра-товуш текширувидан ўтказилади ва унинг натижасида ҳомилада туғма нуқсонлар аниқланган аёллар "хавф гуруҳи"га киритилади, дейди Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-

амалий тиббиёт маркази Фаргона филиалининг скрининг масалалари бўйича директор ўринбосари Дилмурод Абдураимов. — Бундай текширувлар биринчи мартаба ҳомиладорликнинг 11-13 ҳафтасида, иккинчи бор 18-20 ҳафтасида боладаги туғма нуқсонларни аниқлаш мақсадида, учинчисида эса 28-32 ҳафтасида кеч намоён бўладиган туғма нуқсонларни аниқлаш ва ҳомиладорнинг функционал ҳолатини баҳолаш учун ўтказилади.

Шунингдек, скрининг марказида ультратовуш, биокимёвий скрининг текшируви ва унинг натижасига мувофиқ ҳомиладорнинг хромосом синдромлар билан туғилиш хавфи даражаси юқори бўлган ҳомиладор аёлларда инвазив текширув (хорионбиопсия, плацентоцентез, кордоцентез) усуллари, кейинчалик эса ҳомила ҳужайраларининг генетик таҳлили ва бошқа текширувлар ўтказилади. Биринчи ва иккинчи (PAP-A, AFP-hgch) босқичдаги биокимёвий скрининг текшируви натижасида ҳомиладор аёлга тиббий-генетик хулоса берилади.

2024 йилда 1326 та "хавф гуруҳи"га кирган ҳомиладорлар бирламчи биокимёвий текширувлардан ўтказилганидан сўнг 95 нафар, иккинчи биокимёвий текширувда 6636 нафар ҳомиладордан 258 нафарда патологик ўзгаришлар аниқланган.

Утган йили вилоятда 102 629 нафар ҳомиладорнинг 99 054 нафари скрининг текширувидан ўтказилган. Шу ўринда бир савол туғилади,

хўш, нега ҳаммаси эмас? Сабаби, аҳолининг тиббий саводхонлиги билан боғлиқ. Кимдир ҳомиладор аёлини эркак шифокор кўригидан ўтишга рухсат бермайди, яна кимдир давлат тиббиёт муассасаларига эмас, хусусий клиникаларга мурожаат этади.

Скрининг текширувлари натижасида уларнинг 2063 нафарида туғма нуқсонлар аниқланган бўлиб, 1147 нафарда ҳомиладорлик тўхтатилган.

Утган йили вилоятимизда 214 нафар қақалоқ нуқсон билан туғилган ва бу 2023 йилдагига нисбатан 31 тага камайганини кўрсатади.

2024 йилда 52 минг нафар қақалоқда неонатал скрининг таҳлили ўтказилган. Бундан 408 нафари "хавф гуруҳи"га олинган ва қайта текшириш натижасида туғма гипотериоз касаллиги 18 қақалоқда аниқланди, фенилкетонария ҳасталиги билан шубҳа остига олинган 102 қақалоқ қайта текширувдан ўтказилганда, уларнинг 1 нафарида бу таъшиқ тасдиқланди. Ҳасталиклар аниқланган болалар давлат дастурлари асосида қимматбаҳо доридармонлар ва тиббиёт буюмлари, махсус терапевтик оватқатлаш билан бепул таъминланади.

"Саломатлик туман бойлиқ", дейди доно халқимиз. Фарзанд — оила қувончи, она — хонадон фаизи. Уларнинг саломатлиги эса кўнглимиз хотиржамлиги, ҳаловатидир.

М. УСМОНАЛИЕВА.

Матонат

“ФАРЗАНДЛАРИМ
САБАБ ҲАЁТГА
ҚАЙТДИМ”

дейди фурқатлик
Махфуза
Қамариддинова



ҲАЁТ ҲАР ДОИМ
ҲАМ БИЗ
КУТГАНДЕК
КЕЧАВЕРМАЙДИ.
БАЪЗАН ОҒИР
СИНОВЛАР
БИЛАН ЮЗМА-
ЮЗ КЕЛАМИЗ.
ЛЕКИН БУНДАЙ
ДАҚИҚАЛАРДА
ИНСОННИ ФАҚАТ
САБР, МЕҲР ВА
УМИД ТИРИК
САҚЛАЙДИ.

Махфуза опа Қўкон шахридан Фурқат туманининг Қўконбой қишлоғига келин бўлганига ҳам 18 йилдан ошди. Бундан етти йил аввал оғир касаллик туфайли бир муддат тўшакка михланиб қолди, сўзлаш қобилиятини йўқотди. Шифокорлар назорати остида узоқ вақт муолажалар олди.

— Ўша кунларда ҳаётим тўхтаб қолгандек туюлди, юришдан, ҳатто эндигина тетапола қилаётган учинчи фарзандимга гамхўрлик қилишдан ҳам маҳрум бўлгандим, — дея эслайди Махфуза опа.

Ойлаб, йиллаб давом этаётган қийинчиликларнинг адоғи кўринмаса, табиийки, ҳар кимнинг иродасига пўтур етади, бутун вужудини тушқунлик қамраб олади, тирикликдан баҳра олишга қизиқиши сўнади кишининг.

Лекин бу синовларда у ёлғиз эмасди — ёнида умр йўдоши Абдуқаҳҳор ака ҳамда катта қизи Муштарий бор эди. Қизалоғи ҳар куни овқатлантириб, қўл-оёғини уқаласа, дадалари кундузи ишга бориб, кечалари унга гамхўрлик қиларди. Муштарий онаси учун нафақат фарзанд, балки чин дўст, ҳамшира, ҳатто руҳшуносга айланди. Китоблар ўқиб беради, бир кун келиб, албатта, соғайиб кетишига ишонтиради.

Махфуза опа яшашдан умидини узмади. Мана анча соғайиб қолди — гапиряпти, юряпти, мустикал овқатланяпти. Уй ишларида фарзандларига ёрдамлашади, ҳатто ҳовлисига гул экиб, парваришлайди.

— Дардимни дoston қилмоқчи эмасман, —

дейди кўзларида томаётган ёшини артаркан. — Аксинча, мени умидсизлик гирдобидан тортиб олган, ширин сўзини дариф тутмаган яқинларимдан миннатдорман.

Узоқ йиллар давомида касаллик билан курашган Махфуза опа ҳар бир қадамини қадрлайди, ҳар бир сўзини юраги билан айтади. Чунки булар ортида қанча оғриқ, қанча меҳр ва қанча сабр борлигини яхши билади.

Фурқат тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходимлари Махфуза Қамариддинованинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришади. Марказ томонидан психологик, ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатилмоқда, 2-гурӯх ногиронлик даражаси белгиланган.

— Фаолиятимни бошлаганимга ўн йилдан ошди. Лекин бунақа сабри, ҳаётсевар, қалбда шукронаси бор аёлларни кам учратганман, — дейди марказ психологи Нозимаҳон Аҳмедова. — Амалиётимизда касаллигидан фойдаланиб, "Давлат мени боксин, уйимни таъмирлаб, фарзандларимга тўй қилиб берсин" дейдиганларни ҳам кўрдик. Махфуза опа билан сўхбатлашсангиз, бирор марта ҳаётдан нолиганини эшитмайсиз, унинг ҳушқачқаклиги, самимийлиги, шижоатини кўриб, қувонаман.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётида шундай лаҳзалар ҳам бўладики, ўзида ожизликни ҳис этади. Касаллик шундай синовки, ҳар қандай қучли иродани енгиб қўйиши мумкин. Аммо танага шифо, руҳга тасалли берувчи энг таъсирили омили, бу — оиласи томонидан кўрсатиладиган гамхўрликдир. Улаомларнинг айтишича, Яратган касал-

лик орқали бандаларини синайди. Синовда сабр, шукр қилган инсоннинг даражаси юқори бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг ривоят қилишича, Ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам бундай деган эканлар: "Аллох таоло қайси бандасига яхшиликни раво кўрса, ўшанга бирор мусибатни юборади" (Бухорий ривояти). Абдуллох ибн Аббос бундай дейдилар: "Расулуллохни бетоб бўлиб қолганларида кўргани бордим. У зот жуذا оғир дардга чалинган эдилар. Шунда мен "Сиз жуذا оғир дардга чалинибсиз, чунки, Аллох таоло сизга (бунинг учун) икки баробар кўп савоб ато этади", — деган эдим, Расулуллох жавобан "Қайси бир мусулмоннинг бошига мусибат тушса, унинг гуноҳлари дарахт япроқлари каби дув тўкилади", — дедилар.

Махфуза опанинг ҳаёти ҳар бир соғлом фикрли инсонни мулоҳазага чорлайди. Биз кўпинча оддий нарсаларни қадрламаймиз: юриш, овқатланиш, гапириш, эшитиш — табиийдек туюлади. Аслида булар Яратганининг инсониятга берган катта нъматидир. Ҳаёт инсонга оғир синовларни тақдим этса-да, у меҳр ва сабр, яқинларининг қўллаб-қувватлаши билан энг мушкул вазиятлардан чиқиб кетиши мумкин.

Оддий қишлоқ аёли Махфуза Қамариддинованинг матонати минглаб юракларга умид, ишонч ва куч бағишлаши, шубҳасиз.

Дурдона ҒОҒҒОРОВА,
ўз муҳбиримиз.

Атроф-муҳит муҳофазаси:

ҲАРАКАТ ҚИЛМАСДАН,
НАТИЖАГА ЭРИШИБ
БЎЛМАЙДИ

ОНА ТАБИАТГА НИСБАТАН ЎТА ЭҲТИЁТКОРОНА МУНОСАБАТДА БЎЛИШ, АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ НАФАҚАТ ДАВЛАТ СИЁСАТИДАГИ, БАЛКИ ГЛОБАЛ МИКЁСДАГИ МУАММОГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ. ЎРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ "АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА "ЯШИЛ" ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ" ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ, ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШ, УНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА БЎЛГАН ТЭҒБИБОР БУ БОРАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ҚАТОР ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШИШИГА АСОС БЎЛДИ.

Жамият ривожлангани сайин инсонларнинг атроф-муҳитга бўлган таъсири ўсиб боради, инсон табиат, ўсимликлар, ҳайвонот олами, ер ости ва ер усти бойликлари билан ўзаро мулоқотда бўлади. Бундаги айрим эътиборсизликлар эса экологик муаммоларни кўпайтириш баробарида, уларни ижобий ҳал этишни қийинлаштириб қўймоқда. Айтиш мумкинки, юзага келган муаммоларни ҳал қилишда экологик онг ва маданиятнинг ўрни бекиёс. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига кўра, "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин" дея белгиланган.

Ўз-Ўзидан маълум, атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига жиддий зарар етказяётган глобал муаммолар муҳим ечимини талаб этади. Ўртимизда масалага оид қонунчиликни такомиллаштириш, назорат таҳлил фаолиятини бугунги талаб даражасида қучайтириш, узлуқсиз экологик таълим концепциясини ишлаб чиқиш, экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолияти тизимини ривожлантириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган ишларни тизимли амалга ошириш, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатувчи объектлар ва сув тозалаш иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш бўйича чора-тадбирлардан иборат дастурларнинг изчил ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Утган асрга нисбатан инсониятнинг яшаш тарзи шунчалик даража-

да ўзгардики, цивилизацияда ҳали мутлақо кузатилмаган глобал иссиқ, денгиз ва ер экотизимларининг мисли кўрилмаган даражада кайтаб бориш, ер юзининг турли минтақаларида қуроқчилик, сув тошқинлари юз бераётганлиги, бедаво ва юқумли касалликларнинг саяёра бўйлаб кенг тарқалаётганлиги фикримизга ёрқин далил бўла олади. Агар чўқуруққ ўйлаб қаралса, бундай ҳолатлар бамирида инсониятнинг табиатга беписандик билан қараш ва уни ўз измига бўйсиндиришга бўлган хатти-ҳаракатлари этади.

Атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишда халқаро экологик ҳамкорлик жуذا муҳим аҳамият касб этади. Бу — ер юзидagi барча мамлакатлар томонидан табиат муҳофазасига доир давлатлараро келишув-шартнома, конвенциялар тузиш, халқаро экологик меъёrlарни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини ҳамкорликда назорат қилиш, умумсайёравий ва ҳудудий экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш сингари кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда республикаимиз миқёсида кенг йўлга қўйилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар қўламини кенгайтирди. Лойиҳа доирасида йилига 200 миллион туп дарахт ва бутта қўчатларини экиш режалаштирилган.

Технология ривожланган даврда экологик тоза маҳсулотларга ўтиш вақт талаб қилади. Ҳаракат қилмасдан натижага эришиб бўлмаганидек, зарурий чораларни кўрмасдан туриб, табиатни асраб қолишининг имкони йўқ эканини ҳам унутмайлик.

Л.ТИШИБАЕВА,
Д.КОДИРОВА,
Фаргона давлат техника
университети ўқитувчилари.



"Орзу билан яшаш яхшида"

Айни навқирон ёшида машъум ҳодиса — автомобиль ҳалокати Нодиранинг бор орзуларини чилпарчин қилди, тўшакка михлади. Вақт олий ҳакам экан, секин-аста оғриқлар чекиниб, машаққатли ҳаёт тарзига кўника бошлади, ўзини қўлга ола билди.

— Оёғим юрмагани, қаддим тик бўлмагани билан фикрляялман, қўлим ишланяпти, демек, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилишим керак, дердим ўз-ўзимга, — дейди Нодира Утган кунларни бир зум ёдга олиб. — Янгиликка ўч, воқеа-ҳодисаларга қизиқувчанлигим бор эди. Тўқишни ўргандим, пилет — кўрпачалар тўқидим. 10 йил давомида буюртма асосида Фарғонадан Тошкентга, кейинчалик Туркия ва Америка Қўшма Штатларига юбордим.

Нодира Усмонова бир неча йиллардан буён Фарғона ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказида яшайди. Бу ерда истикомат қилувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Марказда тўқувчилик бўйича Нодиранинг шоғирдлари кўп, ўзи эса бир хил машғулотдан зерикан чоғлари ижтимоий тармоқларни кўп кузатарди. Бундан тўрт-

беш йиллар муқаддам Марғилон шахридаги Хунармандлар марказида тўқилаётган ипак гиламлар ҳақидаги лавҳани кўрди-ю, бу хунарни ўрганиш иштиёқи туғилди. Шу мақсадда уста хунарманд Иброҳимжон Султонов ёнига борди. У дастгоҳлар асосан иккинчи қаватга жойлашгани боис, чиқиб тушиш, ўтириб-туриш қийинчилик туғдиришини, яхшиши каштачиликни ўрганишни тавсия қилди. Бу Нодирага маъқул келди ва шу кундан эътиборан Марғилонга катнай бошлади. Тез фурсатда кашта тикишни ўрганиб олди.

— Тўғри, бу осон бўлмади. Хунармандлар марказида дурадгорлар махсус ускуна ясаб беришди, уни яшаш жойимга олиб келдим. Кечалари билан тикардим, ўхшаб чиқса ўзимда йўқ шодланар, аксинча бўлса, диққатим ошарди. Ниҳоят тиккан кашталарим уста хунармандларга маъқул келди

ва буюртмалар бера бошладим. Мен эса бу хунарни бирга яшовчи хотин-қизларга ўргатдим. Марказимизда каштачилар сони кўпайди.

Фарғона шахридан Фарғона туманига кираверишда Миндонобод шаҳарчаси бор. Катта йўл ёқасига қурилган кўп қаватли уйларнинг 1-қаватидagi хонадонлар имконияти чекланган шахсларга имтиёзли кредит асосида берилган. Нодира бу ерда яшяётган 30 нафарга яқин хотин-қизларга кашта тикишни ўргатиш мақсадида уч ойдан зиёд вақт қатнади. Бунда унга Фарғона ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Нигора Асқарова ёрдам берди. Каштачиликни бийонийдай ўрганиб олган миндонободлик аёллар касаначилик асосида иш билан таъминланди.

2021 йилда Ижтимоий қўллаб-қувватлаш

маркази қошида "Меҳнат реабилитацияси цехи" очилган эди. Бу ерда яшовчиларнинг 57 нафаридан бири чевар, бири қосиб, кўғирчоқ устаси, терини қайта ишлаб, ундан бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи этиб ишга қабул қилинган бўлиб, Нодира меҳнат инструктори вазифасида қизиқувчиларга каштачиликни ўргатяпти. "Хунарманд" уюшмаси аъзоси сифатида эса Фарғона каштачилриг йўналишида тикилган чопонлар, зардевор, ёстиқ жилдлари, сумка, ҳамён каби 10 дан зиёд маҳсулотлари билан вилоят, республика, халқаро миқёсдаги маданий тадбирлар, хунармандчилик фестивалларида фол катнашиб келмоқда. Италиянинг Милан шаҳрида ўтган дунё хунармандлари фестивалида ҳам кўргазмалари билан иштирок этиб, махсус сертификатни қўлга киритгани унга янги куч, қувват берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 мартдаги фармонига кўра Нодира Усмонова "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Моҳир каштачи аёл билан сўхбат чоғида унинг метин иродасига, жасоратига қойил қолдим.

— Ҳали ниятларим кўп, орзулар билан яшаш яхшида, — дейди у.

Махмуд БОЙБОБОВА.

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ВИЛОЯТ ТЕАТР-КОНЦЕРТ САРОИНИНГ ОЧИҚ САҲНАСИДА МИНГЛАБ ФАРҒОНАЛИКЛАР ВА ВИЛОЯТ МЕҲМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ, БАЙРАМ ШУКУҲИДА ЎТГАН ТАДБИР АВВАЛИДА ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЎРИНБОСАРИ ШЕРЗОД ПОЛВОНОВ ВА ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИ АЛИШЕР САЪДУЛЛАЕВ СЎЗГА ЧИҚИБ, МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАР УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОН-ЯТЛАР, ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ ВА ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ЁШ АВЛОДГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР ҲАҚИДА ТЎХТАЛИБ ЎТИШДИ.



ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ ДАЪВАТ

ФАРҒОНАДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ, БИРЛАШАЙЛИК!” ШИОРИ ОСТИДА МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

муш тарзини шакллантириш, она Вватанга садоқат, фидойилик ва фуқаролик масъулиятини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Майдонга ўрнатилган монитор орқали Президент Шавкат Мирзиёевнинг келажақ авлодларини янги марраларга чорловчи даъвати ифодаланган видеоролик олқишлар билан кутиб олинди.

Маънавий-маърифий тадбирда Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Лайлохон Сайназарова, Фарғона давлат техника университети докторанти Аҳаджон Ўлмасов ҳамда истиқболли лойиҳалар асосчилари томонидан ёшларга муваффақиятга эришиш йўллари, юртимиздаги тинчлик, барқарорлик ва яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича мотивациялар берилди. Таълим, спорт, ҳарбий ватанпарварлик, IT ва бошқа соҳалардаги фаол ёшлар тақдирланди. Байрам кечаси ўзбек эстрадасининг ёрқин юлдузлари, ёш истеъодлар иштирокидаги гала-концерт билан давом этди. Тадбир “Ўзбекистон ёшлари” мадҳияси ҳамда ёрқин мушакбозлик билан якунланди.

Ўз мухбиримиз.

Фарғона тумани, “Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Chimyon mevalar rohati” фермер хўжалигига тегишли думалок муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

“ЗАРНИГОР” – Ўзбекистоннинг 22 карра ЧЕМПИОНИ

УЛАР ОДДИЙ ҚИШЛОҚ ҚИЗЛАРИ. КЕЧАГИНА ҚўЛЛАРИГА ЧАВҒОН КўТАРИБ, МАКТАБ ЎЙИНГОҲИДА ЎЗЛАРИ БИЛГАНИЧА МУСОБАҚАЛАШАЁТГАН ПАЙТЛАРИ КИМДИР МАЗАХ ҚИЛГАН, КИМДИР МИЙИҒИДА ҚУЛИБ ҚўЙГАНДИ. ҚИШЛОҚДОШЛАРИДАН ТАШҚАРИ БИРОВ ТАНИМАСДИ УЛАРНИ. ЭНДИЛИҚДА “ЗАРНИГОР” ҚИЗЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ОША МАРКАЗИЙ ОСИЁ, ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ СПОРТ МУҲЛИСЛАРИГА ЕТИБ БОРГАН.



Ўшанда маҳалла кезиб, тузилажак жамоасига қизларни ахтарган жонкуяр инсон Абдуҳамид Ваҳобов ҳам озмаюз, ҳам орқаваротдан қанча-дан қанча танаю, дашномларни эшитмади, дейсиз. Аммо у ахдидан қайтмади. Бу спорт турида анча тажрибали бўлган, “Андижанка” жамоаси бош мураббийи Мирон Димитрович Ким билан учрашди. Ҳар бир ҳудудда спортнинг чим устида хоккей тури ривожланиши истагида бўлган Мирон Димитрович уни қўллаб-қувватлади, ишларига омад талаб, 15 та чавгон ва 10 тўп совға қилди.

1980 йилда Москвада ўтган олимпия ўйинларини бевосита кузатиб, ўз юртида чим устида хоккей жамоаси тузишни ният қилган Абдуҳамид Ваҳобов саяё-ҳаракатлари зое кетмади. Тез орада қўштепалик қизлар вилоят биринчилигида “Навбахор” номи билан катнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Кейинги уч йилда ҳам қатор муваффақиятлар қўлга киритилди. 1985 йилда эса мамлакат чемпионатида илк бор бронза медалларига сазовор бўлишди.

— Оғир шариоитларда мусобақаларга тайёрганади. Шомирзадаги мактаб ўйингоҳини мослаштирган бўлса-да, машғулотлар жараёни осон кечмасди. Шогирдларим қишлоқ қизлари

эмасми, қийинчиликларга чидашди. Жамоамиз номини кейинчалик “Зарнигор” деб номладик. Ҳозирга қадар асосан Қўштепа туманининг 10 ёшдан 21 ёшгача бўлган спортчи ёшларидан таркиб топан чим устида хоккей жамоалари Ўзбекистоннинг 22 карра чемпиони, қатор халқаро мусобақалар ғолиби бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Абдуҳамид Ваҳобов.

Фидойи инсон вилоят чим устида хоккей федерацияси ижрочи директори вазифасини ҳам бажармоқда. Яқинда унинг саяё-ҳаракатлари билан Қўштепа туманида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мажмуа замонавий стандартларга жавоб берадиган ўйингоҳ, қийинчи хоналари, томошабинлар учун қулай ўриндиқлар каби зарур инфратузилмага эга.

Бугунги кунда мураббийлар Олимжон Ваҳобов, Одинахон Умаржонов, Адолатхон Ваҳобова, Мохиноур Абдуҳамидова, Мархабо Маматова, Ҳасанбой Тошбоев, Бекзод Тўракулов ўстознинг яқин кўмакчилари сифатида қизлар билан мунтазам машғулотлар ўтказиш баробарида, спортнинг бу турини оммавийлаштиришга ҳисса қўшмоқда.

А. РОЗИҚОВ.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФАРҒОНА
ШАҲРИ МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАГАН ЖАМИЯТ
ШАКЛИДАГИ «НIMOYA FAIR»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ



РЕСПУБЛИКА ЎЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ ГОРО
ФЕРГАНА В ФОРМЕ
ОБЩЕСТВА ОРГАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТИ
«НIMOYA FAIR»
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

O'zbekiston Respublikasi, Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, B.Marg'loniy ko'chasidagi, 70-uy 18-xonadon, X/ir: 20208000305410835001, INN: 3086361111, MFO: 00973, Universal bank Qo'qon bosh ofisi, Telefon: +99893-244-55-58, +99893-980-5575.

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«AFINA FINANCE LOMBARD» МЧЖ
раҳбарияти ва бошқаруви.
Манзил: Фарғона вилояти Фарғона ш.
Ойбек МФЙ Мустақиллик кўчаси 4-уй

Молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича хулоса

Фикр:

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «AFINA FINANCE LOMBARD» МЧЖнинг 31.12.2024 йил даврига бўлган молиявий ҳолати, унинг 31.12.2024 йилдаги молиявий натижалари, пул оқимлари ва бошқа ҳисоботларида, барча муҳим жиҳатлари қонунийлик мувофиқ ҳаққоний ақс этган.

Биз, «AFINA FINANCE LOMBARD» МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида мувофиқ 31.12.2024 йилга тузилган бухгалтерия баланси молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, ҳусусий капитал тўғрисида ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган молиявий ҳисоботларини аудитини ўтказдик.

Фикр билдириш учун асослар:

Биз аудитини Аудитнинг Халқаро Стандартларида (АХС) мувофиқ ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудитнинг молиявий ҳисоботини текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Мазку стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитини молиявий ҳисоботлард муҳим бўлиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиги тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Фикримизча, биз томонимиздан аудиторлик текшириши учун олинган аудиторлик далилларини фикримиз учун асос бўлиши учун етарли ва мос келади.

Аудитнинг муҳим масалалари:

Аудитнинг муҳим масалалари ушбу масалалар, бизнинг профессиона мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилга ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаيمиз.

Бошқа маълумотлар:

Бошқа маълумотлар учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг молиявий ҳисоботла ҳақидаги фикримиз бошқа маълумотларга тааллуқли эмас ва биз ушбу маълумотлар бўйич ҳеч қандай ишончли хулосасини билдирмаимиз.

Молиявий ҳисобот аудитимиз билан боғлиқ ҳолда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни билан танишиш ва шу билан бирга, бошқа маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар ўртасида жиддий номутоносибликлар бор-йўқлиги аудит давомидо олинган билжимларимиз ёки бошқа маълумотларни кўриб чиқишдир. Агар биз бажарган ишларга асосланиб бундай бошқа маълумотлар жиддий нотўғри маълумотларни ўз ичига олади деган хулоса келсаки биз бу фикрнинг хабар қилишимиз керак.

Бизнинг хулосамизда ақс эттириш лозим бўлган ҳолатни аниқламадик.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ёки бошқарув жавобгарлиги:
«AFINA FINANCE LOMBARD» МЧЖнинг мазкур молиявий ҳисоботини қонунийликка мувофиқ тайёрлаш, шунингдек қорона раҳбарияти фибригарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бўлиб кўрсатишлардан ҳоли молиявий ҳисоботларини тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг молиявий ҳисоботини текшируви бўйича жавобгарлиги:
Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фибригарлик ва хатolik туфайли бўлган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида ақс эттириш. Аудитнинг халқаро стандартларида мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга қафолат эмас. Фибригарлик ёки хатolik туфайли бўлиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бўлиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иктисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ошқораликларга оид аудиторлик далилларини олиш учун аудиторлик процедураларини бажаришни ўз ичига олади. Аудиторлик процедураларини танлаш бизнинг фикримизга боғлиқ бўлиб, у фибригарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий нотўғри кўрсатилиши хавфини баҳолашга асосланади. Ушбу хавфини баҳолаш жараёнида биз топириқ учун тегишли аудит процедураларини танлаш учун ишончли молиявий ҳисоботларини тайёрлашни таъминлайдиган ички назорат тизимини кўриб чиқдик. Аудит, шунингдек, қўланилган ҳисоб сисемининг мақсада мувофиқлигини ва текшириладиган қорона раҳбарияти томонидан олинган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек, умуман молиявий ҳисобот тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз, шунингдек, корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

МЧЖ «НIMOYA-FAIR»
Аудиторлик ташкилоти раҳбарияти

(Аудитор малака сертификатига
14.10.2021 йилда №05754)

Манзил: Фарғона шаҳар
Б.Марғулов кўчаси 70/18

Солиқ масалаларига Б.Нисонов

Ш.Б.Хатамов

Хулоса рақами №66
14.05.2025 йил

КОД	КўРСАТКИЧЛАР	минг сўмда
110	1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
120	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
130	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроразрлар) бўйича фоизли даромадлар	3 759 829
140	Ўзини ўзи банд қилган шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	0
150	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитлар (микроредитлар) бўйича фоизли даромадлар	0
160	Юридик шахсларга берилган кредитлар (микроредитлар) бўйича фоизли даромадлар	0
170	Лизинг бўйича фоизли даромадлар	0
180	Бошқа фоизли даромадлар	0
190	Жами фоизли даромадлар (110+120+130+140+150+160+170)	3 759 829
210	2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
220	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	0
230	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
240	Бошқа кредитларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
250	Қиқарилган облигациялар бўйича фоизли харажатлар	0
260	Лизинг бўйича фоизли харажатлар	0
270	Бошқа фоизли харажатлар	0
280	Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250+260)	0
310	3. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (180-270)	3 759 829
320	Минус: Кредит ва лизинглар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330	Кредит ва лизинглар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	3 759 829
410	4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
420	Кафолатлар ва кафилиликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар	0
430	Факторинг хизматлари бўйича олинган даромадлар	0
440	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
450	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида олинган фойда	0
460	Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	0
470	Бошқа фоизсиз даромадлар	1 018 877
480	Жами фоизсиз даромадлар (410+420+430+440+450+460)	1 018 877
510	5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
520	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	163 076
530	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида қўрилган зарарлар	0
540	Инвестициялардан қўрилган зарарлар	0
550	Бошқа фоизсиз харажатлар	102
560	Жами фоизсиз харажатлар (510+520+530+540)	163 178
610	6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+470-550)	4 615 528
710	7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
720	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	553 898
730	Ижара ва таъминот харажатлари	179 679
740	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
750	Маъмурий харажатлар	29 515
760	Репрезентация ва хайрия	12 555
770	Эскириш харажатлари	9 172
780	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	20 665
790	Жами операциялар харажатлари (710+720+730+740+750+760+770)	805 485
800	8. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900	9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТЎЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	3 810 043
1000	10. Фойда солиғи	
1100	Фойда солиғини баҳолаш	573 510
1110	11. ТЎЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	3 236 533
1200	12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	0

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyoti uyi" МЧЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмаҳона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11614.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темуր кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кун чикади. Адади: 2302 нусха.	Баҳоси келишилган нархда.	Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14
		Навбатчи муҳаррир: Махияра Бойбобоева.	Саҳифаловчи: Алишер Розиков.
			Босинга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.00.

